

ҚАРДОШЛИКНИНГ АМАЛӢ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

сақлаш, фан-техника, маданият, атроф-мухит мухофаза килиш, сайёхлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиримоқда.

Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганинг мулоқоти икки мамлакат делегацияларининг музокарасида янада кенг кӯламда давом этди. Томонлар муносабатларнинг буғунги босқичини таҳлил этар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплигини таъкидлади. Туркия томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни мамнуният билан кузатиб келаётганини билдириб, жумладан, миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияси йўлга кўйилгани ишбилармонлар ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яратишими қайд этди.

Иш одамларининг борди-кељиси ва транспорт қатновини ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш масаласи муҳкама қилинди. Келаси йил Туркияда хукumat вакилларининг транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишинган учрашувини ўтказишига келишиб олинид.

Томонлар Афғонистондаги тикланиш ишларида қайси йўналишда ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳам фикрлашди. Европадан Афғонистонгача бўлган транспорт коммуникацияси тармолини ривожлантириш, хусусан, 2004 йилда Тошкентда бу масалага бағишилаб халқаро анжуман уюштириш юзасидан фикр алмашилди.

Режеп Эрдоган хукumatiga раҳбарлик қилаётганидан бўён ўтган 13 ой давомида Туркиядан салқам 60 мамлакатга расмий делегация юборилган. Лекин Туркия хукumat делегациясига ҳеч бир мамлакатда Ўзбекистонга келганичалик кўп ишбилармон ҳамроҳлик килгани йўқ экан. Бу, албатта, томонларнинг ҳамкорликни ривож-

лантиришга кучли иштиёқи, хайрли ҳоҳиш-иродасидан далолатdir. Шу боис музокаралар давомида, кейин матбуот анжуманида тили, дини ва дили бир халқларимизнинг қардошлиги сўзда эмас, амалда на-мён бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Буш вазири Режеп Эрдоган музокаралар якунлари бўйича қўшма баёнатга имзо чекди. Икки томонлама муносабатларнинг хуқуқий пойдеворига халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш тўғрисидаги хукуматлараро битимлар ҳам қўшилди.

Журналистлар билан учрашувда томонлар кўрилган масалалар юзасидан фикр билдирип экан, Туркия Буш вазирининг ташрифи ва унинг якунларига юқори баҳо берди. Ислом Каримов учрашувлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга янги туртка беришига тўла асос борлигини қайд этди.

Келаси йил декабрда Туркияning Европа Иттифоқига қабул қилиниши билан боялиқ масалалар кўтарилади. Ўзбекистон бу борада Туркияни кўллаб-куватлайди. Зоро, ташки сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Евроосиёда улкан савдо мақони яратишга ҳисса қўшиш бўлган Туркияning ЕИ сафидан жой олиши Европани Марказий Осиёга яқинлаштиришда муҳим омил бўлади.

Президент Ислом Каримов террорчilikка қарши кураш мавзўига тўхталиб, яқинда Истанбул шаҳрида рўй берган кўпорувчилик ҳаракатлари муносабати билан Туркия халқи ва хукуматига яна бир бор ҳамдардлик изҳор этди. Кутимаган пайт ва кутилмаган жойда содир этиладиган бундай мудҳиш воқеаларнинг олдини олиш мушкул, лекин ўлимни бўйнига олган террор-

чига қарши кураш — ишнинг ярми, холос. Унинг миясини заҳарлаётган, кўпорувчиларни тайёрлаб, хунрезликни молиялаштираётган манбаларни йўқотмоқ зарур, деди Ўзбекистон Президенти.

Режеп Эрдоган Ўзбекистон раҳбарининг террорчilikка қарши кураш борасидаги саъӣ-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва Туркия бу борада мамлакатимиз билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб боравершини таъкидлади. Ўзбекистоннинг хавфсизлиги Туркияning хавфсизлигидир, деди меҳмон.

«Дўрмон»даги учрашувлар ниҳоясига етгач, Туркия Буш вазири «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг анжуманида қатнашиди. Режеп Эрдоган турк ишодамларининг йирик делегацияси иштирок этётган бу тадбир кўплаб фойдалари келишувлар билан якунланишига ишонч билдириди.

Юксак мартараби мөхмон Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Режеп Эрдоган Хотира майдонида «Мотамсаро она» ҳайқали пойига гул қўйди. Темурийлар тархи давлат музеини то-мossa килди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. В.Чакал номидаги Тошкент авиаация ишлаб ҷиҳарлини бирлашмаси давлат акционерлик жамияти фалияти билан танишиди.

Туркия Буш вазири 20 декабр куни кўхна Самарқандга ташриф буоради. У ерда шаҳарнинг қадимий обидаларини кўздан кечириш, «СамҚочавто» қўшма корхонасида олиб борилаётган ишлар билан танишиши кўзда тутилган.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири



OLIY SUD PLENUMI

Oliy sud raisi F.Muhitdinova boshqargan O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining navbatdagi plenumida guman qilinuvchi va ayylanuvchini himoya huquqi bilan ta'minlashga oid qonunlarni qo'llash bo'yicha sud amaliyoti to'g'risidagi masala muhokama qilindi.

Shu bilan birga plenum ishida mehnat vazifalarini bajarish munosabati bilan xodimning hayoti va sog'lig'iqa yetkazilgan zararni qoplashga oid nizolar bo'yicha sud amaliyoti hamda fuqarolik protsessual qonunchiligining ayrim normalarini sudlar tomonidan qo'llanilishi masalalari ham muhokama etildi.

Ko'rilegan masalalar yuzasidan qonunlarni to'g'ri va bir xilda qo'llanilishini ta'minlashga qaratilgan tegishli qarorlar qabul qilindi.

VAZIFALAR BELGILANDI

O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi «Vatanparvar» tashkiloti markaziy kengashining plenumi bo'lib o'tdi.

Plenumda «Vatanparvar» faoliyatini bundan buyon ham takomillashtirib borish, harbiy-vatanparvarlik tarbiyasi bilan bog'liq ishlar saviyasini yangi pog'onaga ko'tarishda davlat va nodavlat tashkilotlar bilan hamkorlikni mustahkamlash zarurligiga e'tibor qaratildi, kelgusi vazifalar belgilab olindi.

KO'RGAZMA

Poytaxtimizdagi Zamonaviy san'at markazida o'ziga xos fotoko'rgazmada «Suv - bu hayot» xalqaro fototanlovi yakunlari bo'yicha tanlaning eng yaxshi 300 ga yaqin fotosurat namoyish etilmoqda. Mazkur tanlov joriy yiining bahorida BMTning Evropa iqtisodiy komissiyasi va ushbu tashkilotning O'zbekistondagi vakolatxonasi tomonidan e'lon qilinib, Xalqaro chuchuk suv yiliiga bag'ishlangan edi.

Tanlov O'zbekiston Badiyi akademiyasi va Toshkent fotografiya uyi tomonidan Yaponiyaning Xalqaro hamkorlik agentligi /JICA/ hamda «Shteyner inadstriz» kompaniyasi homiyligida tashkil etildi. 2003 yilning mayidan sentyabrigacha o'tkazilgan ushbu tanlovda Markaziy va Sharqiy Evropa, MDHning 19 davlatidan professional va havaskor fotosuratchilar ishtiroy etdi.

Ko'r gazma 28 dekabr gacha davom etadi, keyin esa tanlov ishtiroychilarining eng yaxshi ishlari ko'r gazmasi Jenevada tashkil etiladi.

ANJUMAN

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati markaziy kengashida yoshlar muammolari va ularning yechimiga bag'ishlangan respublika ilmiy-amaliy anjumani bo'lib o'tdi.

Tadbirda tegishli vazirlilik, qo'mita vakillari, yoshlar tashkilotlari yetakchilari, mutaxassislar va ommaviy axborot vositalari xodimlari ishtiroy etdi. Anjumanda yoshlarning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari, siyosiy faoliogi, ma'naviy-ma'rifiy kamoloti, oila, nikoh va reproduktiv salomatlik masalalariaga bag'ishlangan ma'ruzalar tinglandi.

ФИЖДАУВОНИЙНИ ЁД ЭТИБ

Гонлик таълимотида комиллик ғоялари" деб номланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда аллома ҳаёти ва иш фаолияти, ғоялари ва бугунги ўзбек миллий маънавияти мавзусида

томонидан алоҳида таъкидланди.

Анжуман аллома Фиждувоний тариқатининг оламшумул, умумбашарий моҳиятини амалий жа-

раёнларда намоён этди.

Динора ОРТИКОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети 2-босқич талабаси



Шайҳонтохур туманидаги 20-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси Гулнозаҳон Хўжаева ўқувчиларга «Болалар хуқуqlari тўғрисидаги конвенция нима?» мавзусида очик дарс ўтмоқда.

Суратда: Г.Хўжаева дарс пайтида.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

“ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ”

Яқинда Хоразм вилоятida “Истиқлол фарзандлари” танловининг 3-босқичи ўтказилди. Унда вилоятнинг туман ва шаҳарларидан ташриф буорган энг иқтидорли ўқувчилар ўзаро куч синашдилар. Танлов Низомига кўра иштирокчилар оғзаки савол-жавоблар асосида синовдан ўтдилар. Тест саволларига жавоб бердилар. Шунингдек, “Тарихий хотира сиз келажак йўқ” деган мавзуда ижодий иш ёзилар. Ўзлари тайёрлаб келган реферат ва альбомларни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этдилар. Танловда 9-, 10-, 11-сinf ўқувчилари қатнашдилар.

Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти методик маркази тўғарақ аъзоларидан Фароғат Жабборова, Гурлан туманидаги 42-лицейдан Гулноза Абдуллаеваларнинг ижодий баёни сермазмун ва теран фикрларга бойлиги билан эътиборга молиқ бўлиб, юқори баҳоланди. Шунингдек, Фароғат Жабборова томонидан ёзилган реферат “Бу менинг Ватаним”, “Президент асарларини севиб ўқийман”, “Ёшларга ишонч”, “Таълим-тарбия – онг маҳсули” каби мавзуларга бўлинган ҳолда, ҳар бир мавзу атрофлича ёритилганлиги таъкидланди. Қўшкўпир туманидаги I-лицей ўқувчisi Шодлик Йўлдошевнинг реферати ҳам энг яхши ижодий ишларнинг бири сифатида эътироф этилди.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ,
“Хоразм зиёкори”
газетаси мұхаррири

Болалигиданоқ ундаи қилма ёмон бўлади, бундай қилма яхши эмас, деган гапларни эшитиб улғаймаган ўзбек бўлмаса керак. Ҳар бир оиласда болакай туғилиб, катта бўла бошлаганданоқ унинг тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериб келинади.

Энг аввало, катталар томонидан болаларга ҳар бир ишни ўнг қўлдан бошлаш, кийимни ҳам ўнг томондан кийиш, овқатланишни бошлайтган пайтда "бисмилло"-ни айтиш ўргатилади. Тарбиянинг миллий ўзаги нима экан, деб кўпчилик билан сухбатлашдим. Уларнинг аксарияти "албатта динимиз, чунки, фарзандларимизнинг камолга етишлари учун ислом динининг йўл-йўриклидан асрлар оша фойдаланиб келяпмиз", деган фикрларни билдириши. Дарҳақиқат, президентимиз Ислом Каримов ҳам ўз нутқларининг бирида "Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти деб сўрашса, бу — аввало, муқаддас динимиз хисобидан деб жавоб берган бўлур эдим", деганди.

Халқимизнинг ҳеч бир халқ анъанасига, қадриятларига ўҳшамаган, ҳеч бир миллат ва элатнинг урф-одатларини тақорламаган анъаналари, урф-одатлари, дунёкараши бор. Дейлик, болани ёшлигиданоқ тўғрисўзликка, ҳалолликка, меҳнатсеварликка, бағрикенгликка ўргатиш. Бу нималарда намоён бўлади. Такрор ва такрор бўлсада бундай пайтларда мисоллар билан жавоб бериш тушинарлироқ.

Эндиғина тили чиқаётган болакайга унинг бува-бувиши, ота-онаси, ака-опаси ав-

вало қўлини кўксига қўйиб салом беришни ўргатади. "Асалим, қани амакингга салом бераб кўйчи". Кичкинтоя кўлчаларини кўксига қўядида, чучук тиллари билан салом беради. Бундан завқланган катталар уни суйиб-эркалайдилар, алқайдилар. Шунда у англай бошлайдики, салом бериш яхши нарса, бўлмаса ўтирганлар бунчалик хурсанд бўлмаган бўлардилар. Болакай ҳамма кичкинтоялар сингари мактавга, олқишга ўч. Улғая боргани сайин у уйга келган ҳар

келадиган тарбия усуллари қанақа бўлади?

Маълумки, бугунги кунда барча таълим муассасаларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўқитилмоқда. Миллий истиқлол ғоясининг қонқонимизга сингиб кетган шарқона одоб-ахлоқ қоидалари билан чамбарчас боғлик эканлиги эътиборлидир. Қоловерса, ушбу фан туркумининг ilk босқичи ҳам «Одабнома» деб аталган. Бугун отаона ўз фарзандига "ҳовлини озода тут" деб ўқтирса, ма-

вал ўз ҳовлиси дарвозасини кишилардан ҳимоялаган ўғил-қиз, сўнгра Ватанини ёт, ёмон ниятили кишилардан муҳофаза этади.

Устоз ўқувчиларининг юрагига Ватан туйғусини ана шундай бир-биридан ёрқин саҳифалар орқали жойлади. Бугун ҳар бир миллат, ҳар қандай давлат раҳбари, ҳар бир ўзини таниган киши ер шарини, ҳаётни, миллатни асрар қолиш учун, унинг бойлигини таъминлаш учун нима қилиш керак, деб ўзига савол бермоғи муқар-

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

УЛАР БИР-БИРИГА ҲАМИША БОҒЛИКДИР

бир меҳмонга, қўни-қўшига, кўча-кўйдаги кексаю ўшга салом бераверади. Ана шу одати у билан бирга шаклланиб беради.

Тарбиянинг турли-туман усуллари мавжуд. Кимdir "Фалон нарсаға тегсанг ўлдирман, фалон ишни қилсанг мендан кўрасан, берухсат кетиб қолсанг қайтганингда уйга киргизмайман", дея боласини кўрктиб, ёмон ишлардан қайтарса, кимdir ўз жигарбандини "ёлғон гапирма ёмон бўлади, бирорнинг нарсасини олма бу ўғирлик, ўғирлик эса яхши иш эмас," дея тарбиялайди. Хўш, уларнинг қайси бири тўғри ва бизнинг хусусиятимизга хос? Бизнинг ғоямизга тўғри

ҳалла аҳли эса "мана шу обод гузар бизники, бу ерда сенинг ота-боболарингни хоки ётиди, турпокни авайлабос, маҳалланинг кўркига кўрк кўшиб турган чинор шохларини синдирма, маҳалла аҳли фойдаланаётган сувни булгама" деб ўйт беради. Муаллим эса шахс сифатида шаклланиб бораётган ўсмир йигит-қизлар онгига бу муқаддас юртнинг нақадар улуғлиги, унинг ҳар бир қаричи эъзозга лойиқлиги, бу миллат фаҳр этишга арзигулик алломалари билан ҳам машҳурлиги ҳақида тушунча беради. Аввал уйини озода тутишга ўрганган болакай, сўнгра мактабини ҳам шу йўл билан ободонлаштиради. Ав-

пар. Ба бу саволларига жавоблар ҳам топиб кўймоғи бор гап.

Бугунги ўшларнинг, болаларнинг дунёкараши, тафаккури, оламга назар ташлаши катталарницидан ёки ўтган асрнинг ўшларниницидан кескин фарқ қиласи. Бугун уларнинг кўлида "ДУНЁ" турибди. Яъни компьютер, Интернет тармоғи, турли-туман ахборотлар оқими. Ҳали ўз номи билан бола бўлган ўсмирларни ана шу ДУНЁнинг баъзи салбий жиҳатларидан асраромимиз керак. Бунинг учун эса уларга факат одамийлик сабогини, инсонийлик дарсни беришимиз лозим.

Бугун баъзи бир омиллар ўзлигимизга, миллий анъа-

наларимизга рахна солмоқда. Бир пайтлар муҳаббат тарихи ҳикоя қилинган фильмларни ота-она, бола, бувабуви бирга кўришни ўзига эп кўрмаган бўлса, бугун йиллаб давом этаётган муҳаббат сериаллари тақдири билан кизиқан ота қизидан уялмай сўрайди: «Гвадалупенинг Альфредо билан муносабатлари яхшиландими, уларнинг фарзандлари тақдири нима бўляяпти?» Миллатнинг қиёфаси унинг катта ёшли кишилари тўфайли шаклланади, деб ўйлайман. Ўғил отадан, қиз онадан андоза олиб улғаяди. Илм даргоҳига қадам кўйган ўқувчи эса муаллимларининг тутган йўли, гапирган гапини тақрорлашни хуш кўради.

Бизнинг тугаб-битмас тарихимиз, бой анъаналаримиз, барча ҳалқларни ҳам лол қолдира оладиган кудратга эга бўлган яхши хислатларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Ва хулоса шундай бўлади:

Аллоҳ таоло бизга ато этган яхшилик, ҳалоллик, мардлик, одамийлик сифатларини болаларимиз онгига мустаҳкам сингдириш ҳар бир ота-онанинг ҳам бурчидир. Ҳадисларда "Ҳеч бир ота-она фарзандига яхши тарбиядан ортиқроқ ҳадя беролмайди" дейилган. Биз ўзимизни, ўзлигимизни асраримиз учун ҳам миллат ворислари — ёшлар қалбига миллий ғояларимизни чукурроқ сингдиришимиз шарт.

Тарбиянинг миллий ўзаги оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигидаги ривож топади. Буни бир дақиқа бўлса-да, унтишга ҳаққимиз йўқ.

Шарифа МАДРАХИМОВА

МЕН ВА МАКТАБИМ

Мактабим! Бунча гўзал маскансан! Бағрингда Ватанинг фарзандларининг энг бахти оллари ўтади. Улар шу ерда етуқ инсон бўлиб вояга етадилар.

Мактабим! Мен ҳам фаҳр ва ифтиҳор билан сенинг болаларга билим берадиган устозларнингдан бириман, дея олармиқанман? Буни, албатта, вақт кўрсатади.

Илк бор мактабга қадам кўйган куним бир умр ёдимдан чиқмайди. Мактаб раҳбари Хава Муслимовна мени фойеда очиқ юз билан қарши олди ва ўз хонаси томон бошлади. Илк бор устоз бўлиш масъулияти ва фаҳрини шу вақтда ҳис қилганинг. Мактаб раҳбари менга қуидагиларни ҳикоя қилиб берди:

"Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Обид Содиков номидаги "Иқтисодий таълим йўналишидаги синфлар мавжуд бўлган" 249-умумталим мактабида 1975 йилнинг 1 сентябринда или бор кўнгироқ чалинган ва унинг очишлишида давлат арабби Шароф Рашидов қатнашган. Ўтган ўқув йиллари давомида мактабни таоммуган ўғил-қизлар бугунги кунда мамлакатимизнинг турли вилоят ва туманларида юртимиз иқтисодини ривожлантиришида ўз хиссаларини кўшишадалар."

Мен 1999-2000 ўқув йилида педагогик фолиятимни бошладим. Жамоанинг самимий муносабати иқтисод фанини ўқувчиларга тушунтириб беришимда яхши натижага бера бошлади.

Илк бора ўтган биринчи дарсим ҳамон эсмада. Ўшанда 11-А"-синфида "Мустақиллик" дарсини ўтганди. Қалбимдаги ҳаяжон мени шу куни узоқ вақт тарқ этмади. Ўқувчиларнинг менга

бўлган ишончи уларнинг кўзларидан билинади. Шу тариқа йиллар ўтди. Мен мактабнинг ҳақиқий аъзосига айландим. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг бориши ҳамманинг, шу жумладан, менинг доимий диққат марказимда бўлади. Мактабдаги ҳар бир ўтилган яхши дарс ўқувчининг келажагига кўйилган пойдевордир. Шуни хисобга олиб, ўз педагогик фолиятимда куйидаги лордан фойдаланмоқдаман.

"Саёҳат" дарслари ўқувчилар учун ахратилган амалий машғулотлар даврида олиб борилади. Дарс туманимиздаги "Уйжойхамғармабанк" ёки Собир Раҳимов туманидаги банк (шаҳар филиали)да ўтказилади. Бунда ўқувчилар тўғридан-тўғри, банк хизмати билан танишадилар. Ёки болалар билан кичик корхона тузмоқчи бўлиб (ўйин тариқасида), бандан пул оламиз.

Ўқувчилар банк хисоб-китобини компьютер ёрдамида ишлаб чиқадилар. Биз қанча фойда оламиз, банк қанча олади. Агар зиён бўлса-чи, биз қанча қарздор бўламиз. Бу каби ўйинлар ўқувчиларнинг мавзуни яхши ўзлаширишида фойда беради.

Ўтган ўқув йиллари давомида мактабга кўплаб меҳмонлар келди. Турли тадбирлар бўлиб ўтди. Мактаб давлат аттестациясидан ўтди ва банк синфлари бўлгани учун "Иқтисодий таълим йўналишидаги синфлари мавжуд бўлган мактаб" мақомини олди. Бу эса, ўз навбатида, менинг ва жамоамис олдига ҳам юксак вазифаларни қўяпти.

**Муборак КУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов
туманидаги 249-умумий ўрта таълим
мактабиминг иқтисод фани ўқитувчиси**



Бухородаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатига 248 нафар ўғил-қиз миллий ва замонавий ҳалқ чолғу асбоблари ҳамда сураткашлик, ҳайкалтарошлиқ, ҳунармандчилик сирларини ўрганиб келмоқдалар.

Суратда: шу лицей-интернатнинг тасвирий санъат фани ўқитувчisi Жалил Марданов 5-сinf ўқувчилари—Зулфизар Орилова ва Миршод Ёмғировларга сурат чизиш техникасини ўргатмоқда.

Зебинисо КУРБОНОВА олган сурат

Таникли олим ва педагог, давлат ва жамоат арбоби, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Халқаро олий таълим академияси, Нью-Йорк фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Оқил Салимовни яхши билган, мулоҳотда бўлган, узок йиллар бирга ишлаган ҳамкаслари, шогирдлари у кишининг тийнати, хислати; фаолияти, иш устуби, раҳбарлик истеъоди, турфа фазилатлари ҳақида кўп ва узоқ гапиришиади, ибратли воқеа, лавҳаларни марок билан ҳикоя қилишиади.

Камина бу инсонни адиб ва журналистлар, олим ва педагоглар йигинларида бир неча бор кўрган, баъзи нутқ ва маърузаларини тинглаган бўлсан-да, ўзлари билан беш ё олии мартагина учрашган, сухбатини олганиман. Ва бу қиска мулокотларнинг ҳар бири менда чукур таассурот қолдиран. Шулардан тўртасининг тафсилотини келтириб ўттай. Учтаси икки олим — О.Салимов билан F.Саломовнинг илиқ, самимий муносабатларига доир бўлгани боис алоҳида ибратли.

Биринчи тафсилот. 1992 ийил ноябрь ойи бошларида ТошДУ (хозирги ЎзМУ) маданият саройида кўшни икки йирик олий ўкув юрти вакиллари иштирокида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига багишлаб, йигилиш ўтказилган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг журъати, жасорати, сайдъ-ҳаракатлари билан собиқ марказ тўкиб чиқарган "Пахта иши", "Ўзбек иши", "Рашидовчилик" деган тавқи лаънатлар олиб ташланган, соҳта кампанияларга чек қўйилган, Шароф отанинг пок номи тикланган, халқнинг руҳи тетик кезлар...

юзи ёришиб кетгани, таъсирлангани, хурсанд бўлгани кўпчиликка дарров сезилди...

Иккинчи тафсилот. Орадан кирқ кунлар чамаси вақт ўтган, аниқроғи, 1992 ийл 11 декабрда ўша маданият саройида Тошкент давлат университети ва Республика Ёзувчilar уюшмаси ташаббуси билан таникли олим, профессор Файбула Саломов таваллудининг 60 йиллиги нишонланди. Зал олим, адиб, талаба, муҳислар билан тўлган эди. Тошкент давлат техника университети ректори, профессор О.Салимов ярим соатча ўтириш

(1996-1997 ийларда) чоп этилишига бош-қош бўлдилар, йиғинларда кўп бор тарғиб-ташвиқ қилдилар, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари кутубхоналарига бир қанча нусхадан тарқатиш ҳақида кўрсатма бердилар. "Толибнома"га матбуотда ўнга яқин тақриз чиқди, ўкувчилардан кўплаб хатлар келди, "Дўконлардан тополмаяпмиз, яна қачон нашр этилади?" мазмундаги хатлар ҳам бор.

Тўртинчи тафсилот. Академик О.Салимов таваллудининг 75 йиллиги олдидан Тошкент



Fanimiz fidoyilar

баландликлари, ўнқири чўнкирлари, лойжалари ва ҳаттоки, ноҳоклилари ҳам бор. Бу лойжалар оёғимизга чирмашига, баданимизга ёпишишга, юзингизда бир умрга кетмайдиган дод бўлиб муҳрланиб қолишга уринади. Бу йўллардан кирланмай ўтишнинг ўзи катта фазилатdir. Оқил Умурзокович бирон жойига гард юқтирамай покизалигини сақлаб келапти.

Йўқ, мен Оқил Умурзоковични бутун умрида бир марта ҳам хато қилмаган, бенуқсон, бекаму-кўст инсон, деб айтмоқчи эмасман. Негаки, адашасмлик, нуқсоңизлик факат Оллоҳнинг маҳрига тушган. Беайб — Парвардигор. Бандасики бор, албатта, адашади. Аммо адашишда адашиш бор.

Оқил Умурзокович эсини таниб, улғайиб, одамлар жамиятiga қадар кўйганидан бери шу пайтга қадар бирор одамнинг гийбатини қилиб, бирориннинг молини тортиб олгани, бирорни қон қаҳшатгани йўқ, ҳасад ва баҳиллик кўчасига кирмади, дўйстларига хиёнат қилиб, уларни ҳоҳга итармади. Яқинларига, шогирдларига, ёрдамга муҳтож одамларга ёрдам

билиан уқтирап ва бажарилишини талаҳ қиласди.

Институтимиз жамоаси учун энг кувончли кун Оқил аканинг машъум воеалардан кейин қайта ўз лавозимига келиши бўлди... Домлани ўз хизмат хонасига таклиф қилганимизда, ундаги буюм ва жиҳозлар олдинги, бирламчи кўркини кўрсатиб тураг, очик қолган календар вараги эса Оқил ака қули билан ўша кунда ва вақтда ёзилган режаларни ёритарди... Канцелярия жиҳозлари, кабинет безаклари — биз сизнинг омон келишингизни кутгандик деган маънони ифодаларди... Бу ҳолат, манзарани кўрган Оқил ака юрак тўлқинларини бошқара олмади...

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Олий Мажлис депутати

•

Оқил Салимов билан 1950 иили МАДИ аспирантурасига киришда танишганимиз. З ий ичидаги яқин бўлиб кетдик.

Оқилнинг диссертацияси "ЗИЛ-120" двигателининг Ўрта Осиё иссиқ иклимида ишлашини ўрганишга бағишиланган эди. Ўтказилган тажрибаларда мен ҳам қатнашганим. Оқил кўп тажрибаларни бевосита Ўрта Осиёда ўтказди. Дўстим диссертацияни ўз вақтида муваффақиятли ёқлади, двигателлар бўйича ийрик мутахассис, фан доктори бўлди. 7 монография, 76 тадқиқот ёзди, фан номзодлари, докторларини тайёрлади. Анчаси академик, илм-таълим даргоҳлари раҳбари, давлат ва жамоат арбоблари. Юзлаб шогирдларга сабоқ берди. Хайрлашув пайтидаги кичик зиёфатда қадаҳ кўтариб, "Катта кемага — катта сафар муносаби" деганим эсимда. Айтганим келганидан хурсадман. Кейин ҳам Тошкентда, Москвада учрашиб турдик. Оқил кўп ва самарали ишлайди, у — иш, амалиёт одами.

Алексей ХАЧИЯН,
МАДИ (Москва) профессори

•

Тўпламга мақола ёзиб берган 50 дан ортиқ муаллим (олим, адиб, педагог, ижодкор)ларнинг бари инсонпарвар, фидойи инсоннинг барча ишларидан берилади, қалби пок инсонни ҳеч қанақа давр найранглари ўзгаришириб юбора олмас экан. Одамларнинг кусури учун ҳамиша ҳам жамият жавоб беравермагани каби жамиятнинг кусури учун ҳам айрим одамни жавобгар дейиш нотўриди.

Абдулла ОРИПОВ,
**Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шиори**

•

— Оқил акани ўтган асрда Ўзбекистон раҳбариятида нуғузли лавозимда фаолият юритган йилларидан биламан. Энди шу нарсага икрор бўлмоқдаманки, имони бут, қалби пок инсонни ҳеч қанақа давр найранглари ўзгаришириб юбора олмас экан. Одамларнинг кусури учун ҳамиша ҳам жамият жавоб беравермагани каби жамиятнинг кусури учун ҳам айрим одамни жавобгар дейиш нотўриди.

Сайди УМИРОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийиси, ёзувчи

ЯШАШ, ЯРАТИШ, ЯҲШИЛӢК САНӢАТИ

ди-да, соат тўртга мажлис чакириб қўйгани, юбиярни университетга алоҳида таклиф қилишини айтиб изн сўради. Чиндан ҳам, кўп ўтмай маҳсус тақлиф қилдилар. Устознинг хурматини ўтказиди.

Учинчи тафсилот. Бир куни Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ижтимой-гуманитар бўлими бошлиғи "бир келиб кетсангиз", деб қўнғироқ килди. "Файбула Саломов ҳақидаги рисолангизни қизиқиб ўқиганди. Истиқлол даври ёшлари, талабалари ҳақида бир китоб ёзиб берсангиз", дедилар. Таклиф учун раҳмат айтиб, "Кўлимдан келганча бирор нарса ёзарману, лекин бу ишнинг ҳавосини олган, қалами зўр бир Устозим бор, Файбула Саломов, шу одам бош кўшса", дедим. Келишдик. Айтилган вақтда учрашиб вазир олдига кирдик. Оқил Умурзокович, кўз таниш эмасми, жуда илик кутиб олдилар, очилиб сұхбат бердилар, кейин "Хозирги ўшларимиз, талабаларимиз ҳақида бир китоб ёзишга ўтиён, зарурат катта, лекин бу китоб китобий бўлмасин, баландпарвоз гаплар керак мас, ҳаётый мисоллар, ибратли воқеалар, миллий анъаналаримиз асосида табиий, самимий, мароқли ҳикоялардан ташкил топсин, йигит-қизларни Ватанга, миллатга, одамларга мұхаббат, тарихимиз, қадриятларимизни қадрлаш руҳидар тарбиялашга хизмат қилисн", дедилар. Файбула ака ишонч учун миннадорлик билдириди, қўлдан келгунча яхши бир китоб ёзишишизга вайда берди. Мавзу, муаммолар белгилаб олинди. Ва Устоз китобнинг асосий қисмини ёзи, мен бу ишда домлана бакамти бўлдим. Оқил Умурзокович "Толибнома"нинг "Шарқ" матбаа концернида икки марта

автомобил йўллар институти раҳбарияти бир китоб тайёрлаётганини ёшишиб, ҳамкаслим тавсиясига кўра, бир мақола ёзиб бергандим, тўпламнинг масъул муҳаррири, ТАЙИ ректори, профессор С.Қодировга маъқул тушганини айтишиди. Ректор билан мулокотда, тўплам тузиш борасида камтар тажрибадан келиб чиқиб, бир-икки мулоҳаза, тақлифлар айтган бўлдим, шу-шу ушбу савобли ишга даҳлор бўлиб қолдим. Келган мақолаларни ўкиш, таҳрир асносида Оқил Умурзокович билан бир-икки сұхбатда бўлиб, бу Инсоннинг ақл-заковати, юқсак маданияти, камтарлиги, бутун онгли ҳаётини эл юрт равнақига, одамларга яхшилик қилишга бахшида этганига, турфа сифатларига қойил бўлдим.

О.Салимов ҳақида ёзилган мақолалардан айрим парчалар.

— Оқил менинг Ўзбекистондаги содик, соғдил ва тантидўстларимдан. Оқилдаги ўзбекларга хос нозиктаблик, дид, самимий бағрикенглик, фаросат, мулозазакорликнинг ўзи бир дунё.

1997 ийли Брюсселда қаттиқ тобим қочди. Биз излаган доридармоннинг топилиши анчайи кечди. Кутилмаганда ан-қонинг уруги бўлган дорини Оқил қаердандр топиб юборибди. Бошим осмонга етди. Дарвоқе, мен унга бу ҳақда айтмаган эдим.

Чингиз АЙТМАТОВ,
Кирғизистон халқ ёзувчиси

— Инсон умри узун йўлга ўхшайди, бирок бу йўл чаманчаман сочишган гулзорлардан-гина иборат эмас, унинг паст-

ПРОКУРАТУРА ХОМИЙЛИГИДАГИ МАСКАН

Самарқанд шаҳридаги 9-мехрибонлик уйини республикада яхши билишади. Чунки бу уйда ташкил этилган "Мустақиллик гунчаси" мусиқий дастаси 4 йилдан бўён меҳрибонлик уйлари ўртасида ўтказиладиган санъат фестивалини бошлаб беради.

Лекин, гап ҳозир ушбу даста ва унинг ютуқлари ҳақида эмас. Меҳрибонлик уйида тарбияланадиган болакайларнинг санъат оламидаги илк муваффақиятли одимлари бу ерда амалга оширилаётган ибратли тадбирлардан бир саҳифа, холос.

Маълумки, Самарқанд вилояти ҳокимилиги меҳрибонлик уйларининг моддий-тех-

ник базасини янада мустаҳкамлаш, уларда тарбияланадиган болалар учун талаб этиладиган шароитларни тўлиқ яратиш бўйича зарур деб топилган барча тадбирларни амалга оширмоқда. Ушбу тадбирлар сирасида меҳрибонлик уйларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдами алоҳида ўрин тутади.

Бизнинг уйимизни вилоят прокуратураси жамоаси оталиқقا олган, — дейди 9-мехрибонлик уйи директори Матлуба Исмоилова. — Уларнинг самимий ва беғараз кўмаклари туфайли турли сабаблар боис ота-она меҳридан бевақт жудо бўлган болалар яна меҳр оғушидалар.

Сулаймон ҲУСАИНОВ

Маълумки, эшик қоқиб кириб келаётган янги ийлимин Президентимиз томонидан "Меҳр-муруvvat иили" деб эътироф этилди. Бу бежиз эмас. Ўзбек ҳалқида азал-азалдан меҳр-оқибат, саҳоват каби инсоний фазилатлар мавжуд бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам ана шундай саҳоватли кишилар ора-

ни кўрди ва бу ишни туман ҳалқ таълими бўлими маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубчи-назоратчиси Орифjon Тўлановга топширди. Орифjon бу боланинг ҳужжатларини расмийластириб, Андикондаги меҳрибонлик уйига қўйиб келиш учун олиб кетаётганда, бола йиғлаб илтико билан ёлворди: "Жон

бўлди. Ахорбек Шокировни ўша кундан бошлаб Орифjon тарбияламоқда. Янги ўғил Ахорбекка ўкув қуроллари, кийим-бош олиб бериб, кишлоғидаги Алишер Навоий номидаги 27-мактабнинг 3-синфиға жойлаган эди. Ахорбек ҳозир шумактабнинг 5-синфида намунали хулқ ва аъло баҳолар билан ўқимоқда. Орифжоннинг олиб ўғли бир-бирлари билан

РАҲМАТ СИЗГА, ОРИФЖОН!

мида кўпчиликни ташкил қиласди.

Андикон вилояти Марҳамат тумани ҳокимлигига 2001 йил март ойининг сўнги кунларида ёшгина бир жувон кириб келди. Кўхликкина бу аёл 8 ёшлар чамасидаги бир ўғил болани етаклаб олган эди.

У бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир баён қилиб, боласини ташлаб кетишини айтди. Туман ҳокимлиги вояга етмаганлар билан ишлажома-сияси билан меҳрибонлик уйига топшириш чора-тадбирлари-

тоға, мени "детдом"га олиб борманг, бир марта галимга кулоқ солинг". Боланинг йиглаб ёлво-ришидан кўнгли бузилган Орифjon Тўланов унга қараб: "Менга ўғил бўласанми?" деди. Бола севинганидан кўзлари ёниб кетди ва Орифжоннинг кучоқлади. Бу воқеа 2001 йил 4 апрель куни бўлган эди. Орифjon болани ўз уйига умр йўлдоши Буйшахонга олиб келди. Буйшахон янги фарзандини хушумошалик билан кучоқ очиб кутиб олди. Орифжоннинг ёлғиз қизи, 5-ўғли бор эди. 6-ўғил уларга шерик

инонг бўлиб, ота-онасига содик бўлиб яшашмоқда.

Орифjon бир ўғлини ўлантириб, бир қизини турмушга чиқарди. Бир боланинг иккичи хонадонга бориб яшаб кетиши осон эмас. Ҳаммасини енгиг мана шундай шароитда олти ўғил билан кечирсанда олти ўғил бор эди. Орифжоннинг ёлғиз қизи, 5-ўғли бор эди. 6-ўғил уларга шерик

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Халқ таълими
аълочиси

КОЛЛЕЖЛАРДА ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР

тилган касб-ҳунар колледжлари фаолиятини ўрганишдан иборат, — дейди Кейжу Томинага. — Япониядан келтириладиган жиҳозларга бўлган талаб ва улар ўрнатиладиган хоналарни кўздан кечирдик. Умуман, вилоятдаги барча қишлоқ ҳўжалиги коллежлари бизга манзур бўлди. Замонавий коллеж биноси, унинг хоналари давр талабига тўла жавоб беради. Айниқса, Зоминдаги қишлоқ ҳўжалик коллежининг имкониятлари юқори. Биз бу ерда чорва моллари учун курилаётган мажмуа комплекс қурилиш лойиҳаси билан танишидик. Келгусида бу ерда чорвачилик маҳсулотларини қайта иш-

ладиган цех барпо этилади. Назарий ва амалий машғулотлар бевосита ишлаб чиқариш майдончасида амалга оширилади. Биз жиҳозлар ўрнатиладиган хона қурилишига зарур бўлган ўзgartishiшлар кири-

машғулотлар ўтказиш учун қулини ўргандим. Замонавий коллежларнинг бунёд этилиши юрtingизда таълим-тарбия тизимини ривожлантиришига юксак эътибор бериладиган дарак беради.

— Япония халқаро ҳамкорлик банкининг UZB-P6 имтиёзли кредити асосидаги "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасига кўра вилоятимизга ташриф буюрган Япониянинг Сумитома корпорейшн компанияси-нинг М.Усматсу, А.Кабуяши, Г.Коно, М.Матцубра сингари мутахассислари Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор, Бахмал ту-

Xalqaro hamkorlik

тиб, ўз маслаҳатларимизни бердик.

— Назарий машғулотлар ўтказиладиган кенг ва ёруғ хоналар замонавий жиҳозларимизга тўла мос келади, — дейди япониялик мутахассис Наоко Ода. — Мен кўпроқ ўқувлаборатория ишлари учун жиҳозлар ўрнатиладиган хоналарнинг тузилиши,

Ўғил-қизларни мактабдан, синfdan ташқари ишларга, тўғаракларга, турли хил беллашувларга жалб этиш ўқувчилар саводхонлигини оширишда мухим омил ҳисобланади. Бу ҳақиқатни яхши англagon Сирғали туманинг 17-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ўқувчилар ўтасида танловлар, баҳс-мунозарали кечалар ўютишини одат тусига айлантириб боришаётди. Натижалар эса чакки эмас.

Суратларда: илм масканинг 7-синфлари ўқувчилари ўтасида ўтказилган синflараро беллашув жараёнидан лавҳалар акс эттирилган.

Зафар БАКИЕВ
олган суратлар.



(Davomi.
Boshi o'tgan sonda)

Mualif dunyoda uyg'iqoq vijdon, imyon bilan yashashga da'vat etayapti. Tug'ul - benihoya samimi, Ular butun dunyoga xayrioxilik istagan pokiza qabdan chiqqan hislardir. Birinchini bandning birinchi misrasiagi «namlik» - «g'amlik» - «alamlik» tarzidagi ichki qofiyalar, uchinchi satrdagi «hasratda» - «nadomatda» kabi ichki qofiyalar she'ra alohida ohangdorlik, shaxsiylik bag'ishlagan. She'ning ikkinchi bandi to'lig'icha chin oshiqning bezovta ruhi ifodasi deyish mumkin. Shoir olanga oshiq ko'zi bilan sergak va beg'araz qaragani uchun ham boshqalar payqamaydigan «turlu-turluk alomatlar»ni ko'radi. Qofiya vazifasini bajargan «alomatlar» - «jarohatlar» so'zlarining misra o'tasida kelishi va «bo'ldi paydo», birkasmasing takrorlanishi diqqatni bordan o'ziga tortadi. Ayni vaqtida, band o'quvchini benihoya saminiyati bilan ham rom etadi:

**Turluk-turluk alomatlar
bo'ldi paydo,
Yuragimda jarohatlar
bo'ldi paydo,
Bu dunyoda lazha foriq
bo'limqoq qaydo?**
Nechuk iloj etorimni bilmam,
do'star.

She'ning uchinchi bandida «kechalar», «kunduzlari» singari tazod san'atidan foydalishan va «bo'lsam» so'zinig takror kelishi mualif ruhiyatidagi qat'iyat va shiojatning bo'rtiq ifodalishiga olib kelgan:

**Xos qullardek kechalar
qoim bo'lsam,
Mardonlardek kunduzlari
soim' bo'lsam,
Kechalar orom olmay,
rabbin desam,
Nechuk iloj etorimni bilmam,
do'star.**

So'nggi bandagi shoir go'y o'zining ma'nava-yasvavufty dasturini bayon qiladi. Uning ketmon chopib non yemagan kishini dehqon demagantardik, shoir ham o'z jonini haq xizmatiga bag'ishlamasa, oshiq deyilmasligi ifodasi o'quvchida mualif shaxsiga mehr uyg'otadi:

**Qul Xoja Ahmad haq
xizmatida Jon bermasa,
Dehqon emas, ketmon
chopib, non yemasa,
Ochilmag'ay, gul g'unchasi
nam bo'limasa,
Nechuk iloj etorimni bilmam,
do'star.**

She'nda Alloh yo'liga kirgan odamning qat'iyati ham, uning ojizu chorasizligi ham ajib bir saminiyati bilan tasvir etilgan.

Hikmatnarning ko'pinchali qismi qadim an'anaviy to'rtlik usulida bitilgan. To'rtliklarni dastlab xalq og'zaki ijodi namunalarida uchragan. Oshiqqlar, temralar, laplar, ko'pincha, to'rtlik shaklida yaratilgan. So'ng she'rlarini bu turda bandlashtirish yozma adabiyotga o'tgan. Aksariyat hikmatlar barmoq vaznida yozilgan. Bu vazn ham eski turkiy she'r vaznidir. Jumladan, hozir ko'rgan she'r namunamiz hijoning o'n ikki (4-4-4) qili vaznida. Ya'ni: ko'zim-nam-lik (4), di-lim-g'amlik (4), Jon-a-lam-lik (4). hikmatnarning 14 (7-7), hatto 16 (8-8) hijoli ko'rinishlari ham uchraydi.

Ahmad Yassaviy she'riyatidagi obrazlari tuzilishi ham tasavvuf ta'llimoti bilan, ham og'zaki ijod an'analari bilan chambarchas bog'lanib ketgan. Masalan, she'rlarda uchrovchi pir, davesh, oshiq, obid, oqil, zohid, ishq, tolbi, ummat, rasul, shayton, imyon kabi obrazlari bevosita tasavvuf bilan bog'langa, yo', rabot, karvon, o'q kabilari og'zaki ijod an'analari bilan aloqador holda yuzaga kelgan.

«Devoni hikmat»dan

«Munojotnama» ham joy organ. Munojot asli she'rening bir turi. Lug'aviy ma'nosi «najot» - yordam so'rashdan olingan. Ko'pincha, Allohdan qilinadigan iltijolarga munojot deyilgan. Lekin bu yerda gap hikmatlar haqida boradi. Mualif hikmatlarning xalq orasiga yollishini istab, Alohra murojat qildi. Bu bilan mazkur hikmatlarning «ma'niyi Qur'on», «kon'i hadis» ekanligini, Alloh kalomi va payg'ambar sunnatining shari'ekanligini ta'kidlamoqchi bo'la'di. She'r aruz vaznida yozilgan. Chunonchi:

**Ma-ni-hik-mat-la-rim-far
mo-ni-sub-hon,
v - - v - - v -
Ma-fo-iy-lun ma-fo-iy-lun fa
uv-lun**

**H-qub-uq-sang-ha-ma-ma
ni-yi-Qur'-on.
v - - v - - v -
Ma-fo-iy-lun ma-fo-iy-lun fa
uv-lun**

She'r hazaj bahrida bitilgan. Hikmatlarning ayrimlari g'azal yo'lida yozilgan. Ya'ni: she'ning birinchi baytdagi satrler o'zaro (aa, bb, vv, gg tarzida) qofiyalanan masnaviy hikmatlar ham bor. Ular ham, tabiyiki, aruz vaznida. Masnaviy hikmatlarning vazni «Munojotnama»ni esga soladi. G'azal hikmatlarni esa, har xil. Masalan, hazaj vazninining solim (to'la) shakillari ham uchraydi. Chunonchi, «Qul Xoja Ahmad», «Xoja Ahmad», «Miskin Ahmad».

Oxirgi baytda taxallus keladi.

AHMAD YASSAVIY

(1166-yilda vafot etgan)



Ta'kidlash kerakki, hikmatlarning hammasida taxallus bor.

To'rtliklarni tarkib topgan hikmatlarning adadi ham har xil: besh banddan yigirma besh bandgacha boradi. G'azal hikmatlarning hajmi olti baytdan o'n uch baytgacha. Hikmatlar orasida bayt misralari o'zaro (aa, bb, vv, gg tarzida) qofiyalanan masnaviy hikmatlar ham bor. Ular ham, tabiyiki, aruz vaznida. Masnaviy hikmatlarning vazni «Munojotnama»ni esga soladi. G'azal hikmatlarni esa, har xil. Masalan, hazaj vazninining solim (to'la) shakillari ham uchraydi. Masalan:

**Qaro kundur o'shal soatki,
dunyodan safar qilsang,
v - - v - - v - -
mafoiyun mafoiyun
mafoiyun mafoiyun**

Zanar farzand molu mulking
borisindan guzor qilsang.

**v - - v - - v - -
mafoiyun mafoiyun
mafoiyun mafoiyun**

Lekin «Devoni hikmat»da bu vazn talablariga hamisha ham riyoq qilinavermaydi. Och qofiyalar, qofiyasiz ochiq satrlar, fe'l qofiyalar ko'p uchraydi. Bu hol hikmatlarning she'rlarini haqida yozilgan. Larning birida Ahmad Yassaviyning 4400 hikmat yozganda ishora qilinadi:

**Qul Xoja Ahmad har bir
so'zing dardga darmon,
Toliblarga bayon qilsam,
qolmas armon.
To'rt ming to'rt yu hikmat
aydim, haqqan farmon,
Farmon bo'lsa, to'o'guncha
so'zlasam man.**

Hikmatlarning tili Ham XII asr tilli emas. Asrlar osha o'zgarib, yangilanib, davrga moslashib borgan. Bu ishti Yassaviy muxlisleri - davreshlar qilganlar, albatta. Shularga qaramasdan, «Devoni hikmat» birgina O'rta Osiyo xalqlar emas, butun turk olami ma'nayitining bugungi misolda ko'plab topiladi. Shota

kabi taxalluslar bilan berilgan hikmatlar qatorida Azimxo'ja, Faqiry, G'aribiy, Xolis, Hoji Solih, Igoniy, Qul Sharifiy, Sayfiddin, Zalily kabi ko'plab boshqa ijodkorlarning asarlari ham uchraydi. Hikmatlarning umumi soni hozircha 250 atrofida. hikmatlarning adadi bundan anchu ko'p bo'lishi ham mumkin. Ularning birida Ahmad Yassaviyning 4400 hikmat yozganda ishora qilinadi:

**Ey, koshifi haqoyiq
asrori sodeqin,
Vey, voqifi daqoyiq,
mushkbo'y xoriqin.
Rushd tariqi, hodiyi irshod
tolibin,
Ey, qulzumi hidoyat,
burboni oshiqin,
Keldim g'ubori dargahinga
surgali jabin,
Ey, maxzani karomatu
sulton il-orifin.**

Ey, eng ishonchli sirlar haqiqatini bizga oshib berguvchi. Vey, butun vujudidan mushk hid taralib turgan, eng nozik qulmaga qalib saqlanib qolgan buyuk san'atkorlar jahon adabiyotini misolda ko'plab topiladi. Shota

Rustaveli, hatto Shekspir asarlaring qo'lyozmali saqlangan emas. Bu hol ularning buyukligiga soyda solgan emas. Qolaversa, Navoiyki hazrati Yassaviyga shu qadar yuksak baho bergan, shogirdi Sulaymon Boqirg'oniyliging hikmatlarni algab tilga organ ekan, Yassaviyning qurashida Ahmad Yassaviy hikmatlarning kelishida qiluvchi sheri'larining maydonga kelishida Ahmad Yassaviy hikmatlarning hal qiluvchi o'rni ni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari samarali izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

**1. Mutasavivf shoirning so'fiyona qarashlarini oshib qo'lg'ulash
sho'inxalqining qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:**

**2. Mutasavivf shoirning so'fiyona qarashlarini oshib qo'lg'ulash
sho'inxalqining qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:**

3. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

4. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

5. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

6. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

7. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

8. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

9. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

10. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

11. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

12. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

13. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

14. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

15. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

16. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

17. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

18. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

19. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

20. Ahmad Yassaviy hikmatlarning qurashida hal qiluvchi o'rni ko'kidaylidar. Tatar-boshqirdilar Shamsiddin Zaki, Abdurahim O'rta Emaniy, Qayum Nosiriy, Rizo Fakkardin kabilar ba'tsirni e'tirof etildar. O'zbek adabiyotida Yassaviy an'analari izlar qoldirdi. Jumladan, bu an'analari quyidagi yozilishlarda ko'za tashlanadi:

Тунлари уйқум қочиб, сиқишиб кетаман. На сұхбатдошын бор, на сирдешим. Даадам ўз дарди билән овора...

Опамнинг түйига келломағанингиз яхши бўлмади-да! Қизни онасиз узатишни ҳеч кимнинг бошига солмасин экан. Уша пайти опамнинг кўзига на сиз юборган мол-дунё кўринди, на амма-холалар...

Ушбу мактубни ёзи-

лайди", деб бир-бирларига шивирлашларидан гурурим ортади.

Мана, кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Аҳвол ҳамон ўшаш-ўша. Дугонадарим буфетдан куниса 100 сўмлик егулик харид қилишади. Мен эса ҳоҳлаганимча... Лекин энди улар менга эмас, мен уларга ҳавас қиласан. Уларнинг оналари бор. Менинг эса...

Аяжон, уйдан чиқиб кетганингизе ҳам уч ўйдан

УЙГА ҚАЙТИНГ, АЯЖОН!

шимдан олдин ҳисоблаб чиқдим: сиз билан дийдор кўришмаганингизе минг кун, минг тун бўлибди. Баъзан бардошимга қойил қоламан.

Бошида сиз юборган пуллар, шу пулларга сотиб олинган кийим-кечаклар билан овундим. Ҳатто сизнинг Европада ўз ҳақини талашиб топиб, менинг ҳарсага зор қўймал ўстистрағанингиздан гурурланиб ҳам юрдим. Кейин ҳамма-ҳаммаси жонимга тегди: менга фақат сиз, сиз керак бўлиб қолдингиз, аяжон!


